

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АХМАТОВ ЯШИН РАВШАНОВИЧ

**ДИЛАТАЦИОН КАРДИОМИОПАТИЯНИНГ ТУРЛИ
ШАКЛЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ЎНГ ҚОРИНЧА
ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ
ВА БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on medical sciences**

Ахматов Яшин Равшанович

Дилатацион кардиомиопатиянинг турли шаклларида учрайдиган
ўнг қоринча етишмовчилигининг клиник-функционал ва биокимёвий
хусусиятлари 3

Ахматов Яшин Равшанович

Клинико-функциональные и биохимические особенности
правожелудочковой недостаточности при различных формах
дилатационной кардиомиопатии 25

Akhmatov Yashin Ravshanovich

Clinical, functional and biochemical features of right
ventricular failure in various forms of dilated cardiomyopathy 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АХМАТОВ ЯШИН РАВШАНОВИЧ

**ДИЛАТАЦИОН КАРДИОМИОПАТИЯНИНГ ТУРЛИ
ШАКЛЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ЎНГ ҚОРИНЧА
ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ
ВА БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан № В2018.4.PhD/Tib721 рақами билан рўйхатга олинган.

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг www.cardiocenter.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyounet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Тимур Атаназарович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуруллаева Наргиза Мухтархановна
Тиббиёт фанлари доктори

Сарыбаев Акбай Шегайпович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қирғизистон)

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.26.04.2018.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___», _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./факс (99871) 234-16-67, e-mail: info@cardiocenter.uz, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида.

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Телефон / факс (99871) 234-16-67).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д. Қурбанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнгги йилларда кардиомиопатиялар (КМП) диагностикаси ва даволашнинг самарали йўллари излашда эришилган муваффақиятларга қарамадан, ушбу касаллик прогностик нуқтаи назардан юрак қон-томир тизими (ЮҚТТ) касалликлари орасида етакчи ўринни эгалламоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, КМПларнинг энг кенг тарқалган (60%) тури дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) бўлиб, юрак етишмовчилиги (ЮЕ) авж олиши туфайли шифохонада даволанаётган беморларнинг 25%ни ташкил қилади. Бунда 90 % беморларда ЮЕнинг оғир босқичи бўлиб, 5 йиллик яшовчанлик кўрсаткич атиги 31 %ни ташкил қилади. Таъкидлаш жоиз, ДКМП асосан аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламини (30-50 ёшлилар) зарарлаб, меҳнат қобилиятини тўлиқ йўқотишига ва ўлим кўрсаткичининг ошиши билан тавсифланади¹. Халқаро юрак ва ўпка трансплантацияси жамияти маълумотларига кўра, «45 ёшгача бўлган беморларда юрак трансплантациясининг асосий сабаби ДКМП касаллиги бўлиб ҳисобланади»². Касалликнинг ҳар иккала жинс вакилларида учраши мумкинлиги ва эркакларда касаллик аёлларга нисбатан 2-5 марта кўпроқ учраши ҳамда касалликнинг асосан ёш, меҳнатга лаёқатли даврида ривожланиши ушбу муаммонинг алоҳида ижтимоий аҳамияти долзарблигини кўрсатади.

Жаҳонда ДКМП ривожланиш механизмлари, эрта босқичда ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш борасида бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. ДКМП билан касалланган беморларни эрта ташхислаш ва касаллик прогнозини яхшилаш мақсадида даволаш усуллари мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Охирги вақтларда олим ва клиницистларнинг диққати ўнг қоринча (ЎҚ) ДКМПнинг тарқалиши, унинг этиологик сабаблари ва патофизиологик механизмларининг ўрганишга, диагностик мезонларини ишлаб чиқишга қаратилмоқда. Ўпка гипертензияси (ЎГ) билан асоратланган ДКМПли беморларни даволашда янгича ёндашувни оптималлаштириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамызда аҳолига тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш мақсадида сўнгги давр мобайнида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислох қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг касалланиш кўрсаткичларини пасайтиришни таъминлаш ва ҳаёт давомийлигини узайтириш» каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада кардиология

¹ Қурбонов Н.А. Дилатацион кардиомиопатия: Алоҳида шакллариининг клиник функционал ўзига хослиги, иммун генетик картинаси ва беморлар ҳаёт прогнози, тиб.ф.д. автореферати, Тошкент-2019

² Burkett E.L., Hershberger R.E. Clinical and genetic issues in familial dilated cardiomyopathy, J Am Coll Cardiol 2005; 45:969-981

соҳасини изчил ривожлантириш юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш, хавф омилларини эрта аниқлаш ва касалликни даволашда юқори технологияли усуллар самарадорлигини ошириш, бемор ҳаёт сифати ва прогнозини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»³ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ДКМПнинг таснифланиши, тарқалувчанлиги, ривожланиш патогенетик механизмлари, ҳаёт прогнозини ўрганиш ва даволаш муолажаларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Adler E. Et al., (2005); Mestoni L. et al., (2017); Терешенко С.Н. ва ҳаммуал., (2012) бажарилган. Аммо шу билан бирга ЎҚ ДКМП касаллиги бўйича илмий адабиётлар камчиликни ташкил этади. ЎҚ ДКМП тўғрисида биринчи бор Bahler ва ҳаммуал. томонидан 1976 йилда баён қилинган бўлиб, кейинчалик Matsu ва ҳаммуал. (1985), Mohan ва ҳаммуал.(1989), Ishikawa ва ҳаммуал. (1990), Okada ва Okuda (1995), Shinichi Fujimoto ва б. (1995), Peters ва ҳаммуал.(1997), Samanta S. ва ҳаммуал. (2011), Sem Briongos (2015) томонидан изчилроқ ёритиб берилган. МДХ давлатларида ушбу касаллик бўйича Е.Н.Амосова (1999) ва А.Б. Кузнецов (2002) томонидан ўрганилган. А.Б.Кузнецов маълумотларига кўра, ДКМПнинг барча ҳоллари орасида ЎҚ изоляцияланган шикастланишли шакли 3,2 %ни, Н.Н.Амосова маълумотларига кўра, (1999) эса ушбу кўрсаткич 1,8 %ни ташкил этади. ЎҚли ДКМП мавжуд беморларнинг бир қисмида ушбу касаллик сабаби кардиотроп вирусли инфекция бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Бу ҳақида клиник кузатувлар, шунингдек, BALB сичқонларида В гуруҳи Коксаки вируслари билан инокуляция қилиш йўли билан ЎҚнинг изоляцияланган шикастланиши экспериментал моделининг олиниши далолат беради (А. Matsumogi ва ҳаммуал. 1980), бунда чап қоринча (ЧҚ)да патологик жараён кузатилмайди ёки кам даражада шикастланади.

Бир қатор тадқиқотларда ЎҚнинг бирламчи шикастланишида ЧҚда аҳамиятга эга ўзгаришлар ривожланади, улар ЎҚдаги ўзгаришлар билан параллель бўлиши, баъзида эса яққолроқ ифодаланган ҳам бўлиши мумкинлиги

³ 2017 йил 7-февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

таъкидланган (J.C. Mohan ва ҳаммуал.,1989). J.F.Polak ва ҳаммуал. (1983) ўлим даражасининг ЎҚ отиш фракцияси (ОФ) катталигига боғлиқлигини аниқладилар, кейинчалик бу назария бошқа тадқиқотларда ҳам ўз исботини топди. Ушбу тадқиқотларга кўра, димланган юрак етишмовчилигида (ЮЕ) ЎҚ кўрсаткичлари ЧҚга нисбатан кўпроқ жисмоний зўриқиш толерантлик билан боғлиқдир. ЧҚ диастолик дисфункцияси кардиологияда етарли даражада яхши ўрганилган бўлишига қарамай, СЮЕ бор беморларда ЎҚ ҳолати тўғрисидаги маълумот анча кам. Шу билан бирга ЧҚ кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда ЎҚ ҳолати тўғрисида фикр юритиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки қоринчалар конфигурацияси ва фаолият кўрсатиш механизмлари бир-биридан фарқ қилади (European Study Group on Diastolic Heart Failure).

Специфик терапиянинг йўқлиги натижасида оптимал симптоматик даволашга қарамай, ўнг қоринчали ЮЕ ривожланиб бориши ушбу тоифадаги беморларда нохуш прогнозни яхшилашга имкон берувчи терапияни ишлаб чиқиш ва танлаш долзарблигини белгилаб беради. Охириги йилларда ўтказилган тадқиқотлар фосфодиэстераза-5 (ФДЭ-5) ўпка ва коронар артериялар хужайраларида, веноз қон томирлар ва кардиомиоцитларда таъсир этиш нуқталарига эга эканлигини кўрсатди (GuazziM., 2006; GregoryD.L., 2007). Бу эса ЎГ билан асоратланган идиопатик ДКМПли беморларда ФДЭ-5 ингибиторларини қўллашга янги кўрсатмаларни белгилашга имкон бериши мумкин.

Республикамиз ҳудудида ДКМП муаммоси бир неча мутахассислар томонидан ўрганилган. Бунда идиопатик ДКМП ва СЮЕни диагностика қилиш ҳамда даволаш масалалари Т.А.Абдуллаев, У.К.Камилова, А.Г.Гадаев, Г.М.Тулабаева, М.А.Хужамбердиев, А.Л.Аляви, Н.А.Курбанов, Б.У.Марданов ишларида, яллиғланишли КМП эса А.И.Абдуллаев ҳамда Г.А.Нагаева ишларида ёритилган. Шунга қарамай, ўнг қоринчали ЮЕ бор ДКМП муаммоси кам учраганлиги туфайли Ўзбекистонда биринчи бор ўрганилмоқда.

ДКМПнинг турли шаклларида юрак ўнг қисмларини тадқиқ қилиш, унинг диагностикаси ва уни бошқа кардиомиопатиялар билан дифференциал фарқлаш имконияти республикамизда шу пайтга қадар бўлмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий ишлар доирасида А10-СС-0-64746-сонли «Тизимли бузилишларни мувофиқлаштириш усуллари ишлаб чиқиш билан бирга, юракнинг нокоронароген касалликлари билан боғлиқ оғир ва рефрактер ЮЕ мавжуд беморларни даволашни самарадорлигини ошириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўнг қоринчали дилатацион кардиомиопатия ва бивентрикуляр юрак етишмовчилиги мавжуд дилатацион кардиомиопатияда юрак бўшлиқлари, ўпканинг структур-функционал ўзгариш хусусиятларини ва биокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда дифференциал фармакотерапиянинг беморлар гемодинамикаси кўрсаткичларига ва ҳаёт прогнозига таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўнг қоринча дилатацион кардиомиопатияси ва бивентрикуляр юрак етишмовчилиги мавжуд идиопатик дилатацион кардиомиопатиянинг клиник кўринишлари ва юрак ичи гемодинамикасининг ўзига хос хусусиятларини қиёсий ўрганиш;

ўнг қоринча дилатацион кардиомиопатияси ва бивентрикуляр юрак етишмовчилиги мавжуд идиопатик дилатацион кардиомиопатияли беморларда ўпканинг функционал ҳолати ва биокимёвий кўрсаткичларини баҳолаш;

ўнг қоринча дилатацион кардиомиопатиясининг дифференциал диагностик мезонларини аниқлаш;

ўнг қоринча дилатацион кардиомиопатияли ва бивентрикуляр юрак етишмовчилиги мавжуд идиопатик дилатацион кардиомиопатияли беморларда СЮЕ стандарт терапияси фонида силденафил самарадорлигини баҳолаш;

ўнг қоринча дилатацион кардиомиопатияли ва бивентрикуляр юрак етишмовчилиги мавжуд идиопатик дилатацион кардиомиопатияли беморларнинг 5 йиллик кузатув даврида ҳаёт прогнозини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанган ва назоратда бўлган ДКМП мавжуд 87 нафар бемор олинган, улардан 22 нафари ЎҚ ДКМП ва 65 нафари эса бивентрикуляр ЮЕ мавжуд идиопатик ДКМП хасталигига чалинган беморлардир.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб анамнестик маълумотлар, клиник кўрув, спирография маълумотлари, 12 та уланмадаги ЭКГ, трансторакал ЭхоКГ натижалари, кўкрак қафаси рентгенографияси ва лаборатор текширувлар учун қон зардоби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, лаборатор-биокимёвий ва инструментал, статистик услублар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор (адабиёт маълумотлари асосида) ўнг қоринча дилатацион кардиомиопатия ташхисини қўйиш бўйича тавсия ишлаб чиқилган⁴⁻¹¹;

ЎҚ ДКМПли ва бивентрикуляр ЮЕ бор идиопатик ДКМПли беморларда юрак ўнг ва чап бўлимлари ремоделланишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

⁴ Bahler AS, Meller J, Brik H, Herman MV, Teichholz LE. Paradoxical motion of the interventricular septum with right ventricular dilatation in the absence of shunting: report of two cases. Am J Cardiol. 1976;38(5):654-7

⁵ Fitchett D.H., Sugrue D.D., McArthur C.G. Right ventricular dilated cardiomyopathy //Br Heart J.-1984. - Vol.51. – P.25-29

⁶ Ibsen NH, Baandrup U, Simonsen EE. Familial right ventricular dilated cardiomyopathy. Br Heart J 1985;54:156-9

⁷ Maron B.J. Right ventricular cardiomyopathy: another cause of sudden death in the young //N Engl J Med. - 1988.- 21.- Vol.318(3). – P.178–180

⁸ Амосова Е.Н. Кардиомиопатии. – Киев,1999. -335с.

⁹ Кузнецов А. Б., Елагин О.С., Сыркин А.Л. Кардиомиопатии с преимущественным поражением правого желудочка //Кардиология.- М., 2002. - №5. –С.101-104.

¹⁰ Samanta S, Vijayverghia R, Vaiphei K. Isolated idiopathic right ventricular dilated cardiomyopathy. Indian J Pathol Microbiol 2011;54:164

¹¹ Sem Briongos Figueroa, c, Alvaro Acena Navarro Isolated Right Ventricular Dilated Cardiomyopathy: An Early Diagnosis J Clin Med Res. 2015;7(10):817-819.

юракнинг ўнг ва чап қисмлари ремоделланиши ва ўпка тизими функцияси ўртасида боғлиқлик аниқланган;

Тиффно индексининг пасайиши ўпка нафас олиш функциясининг ёмонлашуви ва бир вақтнинг ўзида ЎҚ ўлчамларининг дилатацияси билан бирга кузатилган;

илк бор ЎҚ ДКМПли беморлар ҳаёти прогнози ўрганилган ва ноҳуш оқибат предикторлари – $RWs/LWs > 1$, КТИ $> 70\%$ и СБК ≥ 3 дар аниқланган.

Тадқиқотни амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хаммабоп ва арзон услубларни (ЭКГ, ЭхоКГ ва рентген-кардиометрия) қўллаш ёрдамида ЎҚ ДКМП диагностикаси ва дифференциал диагностикаси мезонлари ишлаб чиқилган;

ўпка гипертензияси билан асоратланган ДКМПли беморларда 5-типдаги ФДЭ ингибитори силденафилнинг қўлланилиши бўйича терапевтик тактика ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва услублар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, миокарднинг нокоронароген касалликларини ўрганишдаги муҳим қадам ҳисобланади ва кардиомиопатияларнинг кам учрайдиган шаклларида бири – ЎҚ ДКМП диагностикаси клиник-функционал мезонларини амалиётга тавсия қилади. ЎҚ ДКМП оғриган вабивентрикуляр ЮЕ билан асоратланган ДКМП мавжуд беморларда юракнинг ўнг ва чап қисмлари ремоделланишининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган. Юракнинг ўнг ва чап қисмлари ремоделланиши ва ўпка функцияси ўртасидаги аниқланган ўзаро боғлиқликлар юрак-ўпка континуумининг патофизиологик босқичлари тўғрисидаги мавжуд билимларни тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ЎҚ ДКМПнинг тақдим қилинган клиник-функционал мезонлари КМПнинг камдан-кам учрайдиган шаклларини эрта ташхис қилишга ва даволашга имкон беради. Ишлаб чиқилган ва тақдим қилинган ўнг қоринча ЮЕ билан кечадиган касалликлар жадвали эрта дифференциал диагностика қилишга имкон беради ва шу билан мазкур патологияларда даволаш тадбирларини индивидуаллаштиришни оптималлаштиради. СЮЕни даволашда қўлланиладиган стандарт препаратлар – РААТ ва САТ ингибиторлари билан бир қаторда ФДЭ-5 ингибиторининг самараси (ўпкадаги босимни камайиши билан бир вақтда, юрак ўнг ва чап бўлақларини дилатациясининг камайиши ва юрак ўнг бўлагининг отиш фракциясини ортиши) ва касаллик прогнозига ижобий таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда СЮЕ етишмовчилиги мавжуд беморларни даволаш стандарти схемасига киритиш тавсия қилинади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Дилатацион кардиомиопатиянинг турли шаклларида учрайдиган ўнг қоринча етишмовчилигининг клиник-функционал ва биокимёвий хусусиятлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра:

асосан, ўнг қоринча шикастланиши билан кечадиган касалликлар дифференциал диагностикаси услубларининг ишланмаси «Дилатационная кардиомиопатия с преимущественным/изолированным поражением правого желудочка» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 7 майдаги 8н-з/67-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган маълумотларнинг татбиқ қилиниши клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ), 6 дақиқали пиёда юриш синамаси, эхокардиография, 12 та уланмада стандарт ЭКГни қайд қилиш, рентгенокардиометрия ва спирометрия каби ҳаммабоп ва арзон клиник текширув услубларини қўллаган ҳолда ўнг қоринча ДКМП ва бивентрикуляр ЮЕ бор ДКМП ўртасида, шунингдек, ўнг қоринча ЮЕ билан бирга кечадиган касалликлар ўртасида ўз вақтида дифференциал диагностика ўтказиш имконини берган;

дилатацион кардиомиопатияда учрайдиган ўнг қоринча етишмовчилигининг клиник-функционал ва биокимёвий хусусиятлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари Жиззах ва Сурхондарё кардиодиспансерлари клиник амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 7 майдаги 8н-з/67-сон маълумотномаси). Ўтказилган тадқиқотлар ва уларнинг натижасида ўнг қоринча шикастланиши бўлган касалликларни эрта босқичда ташхис қилишга ва хавф стратификациясини оптималлаштиришга имкон бериб, стандарт терапияга силденафилнинг қўшилиши тўсатдан рўй берадиган кардиал ўлим ва ушбу тоифадаги беморлар ногиронлигини камайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқотнинг натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Дилатацион кардиомиопатия этиопатогенези, тарқалганлиги ва классификация муаммоларига назарлар эволюцияси» номли биринчи бобида ДКМП ривожланишининг тарихий ва эпидемиологик жиҳатлари бўйича адабиётлардаги маълумотлар таҳлил этилган, шунингдек, атамалар ва таснифномаларга замонавий қарашлар келтирилган. СЮЕ ривожланишида ЎҚ ролини баҳолаш, шунингдек, ўнг қоринча КМП ривожланиши бўйича ечилмаган масалалар баён қилинган. Ўнг қоринча КМПли беморларда ўпка гипертонияси патогенези таҳлил қилинган ҳамда ФДЭ-5 ингибитори – силденафилнинг роли баҳоланган ҳолда ДКМПли беморлар фармакотерапиясига замонавий қарашлар ёритилган.

Диссертациянинг «Клиник материаллар умумий тавсифномаси ва тадқиқот усуллари» номли иккинчи бобида тадқиқотга ўтказилган беморларнинг умумий тавсифномаси бўйича маълумотлар; клиник, рентгенологик, лаборатор, функционал тадқиқот услубларининг натижалари, шунингдек, клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) бўйича клиник ҳолатни ва эректил функцияни халқаро сўровнома – 5 (ЭФХС-5) бўйича эректил дисфункцияни баҳолаш натижалари келтирилган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ 2007 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда турли шаклдаги ДКМП ли 87 та беморнинг комплекс текшируви ўтказилди. Илмий тадқиқот ЎЗР ССВ Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази базасида бажарилган.

Юқорида кўрсатилганидек, бугунги кунда ўнг қоринча ДКМПнинг умумқабул қилинган диагностик мезонлари мавжуд эмас. Биз томондан турли ДКМПли 87 нафар бемор клиник-функционал ва лаборатор текширувдан ўтказилди: 22 нафар бемор – ўқДКМП ва 65 нафар бемор – бивентрикуляр юрак етишмовчилиги бор ДКМП (ДКМП-биЮЕ). Беморларнинг ўртача ёши $44,8 \pm 12,6$ ни ташкил қилди.

Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланди: ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) ва бошқа ўпка патологиялари мавжудлиги; умуртқа ва кўкрак қафаси суяклари деформацияси; эритроцитоз ва гемоглобин даражасининг 160 г/л.дан юқорилиги; туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари, бириктирувчи тўқималарнинг тизимли касалликлари, миокард ва перикарднинг яллиғланиш касалликлари, ЮИК ва ҚД, ИЎАГ, ПКМП мавжудлиги.

Барча беморларда диагностиканинг лаборатор ва инструментал текширувлари ўтказилди, жумладан, де-Ритис коэффицентини ҳисоблаб чиқарган ҳолда қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари аниқланди, электрокардиография, эхокардиография, ЭКГни суткалик мониторинг бажарилди, эректил дисфункция бўйича халқаро сўровнома (ЭДХС-5) ва Мареев модификациясидаги клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) (В.Ю.Мареев, 2000) қўлланилди.

Беморларнинг ташқи нафас олиш функциясини баҳолаш учун ўпка вентиляцияси кўрсаткичлари (нафас олиш ҳажми (НОХ), альвеоляр ҳажм (АХ), функционал ўлик бўшлиқ (ФЎБ), нафас чиқаришнинг заҳира ҳажми (НЧЗХ), нафас олишнинг заҳира ҳажми (НОЗХ), ўпканинг ҳаётий сиғими (ЎХС),

ўпканинг жадаллаштирилган ҳаётий сиғими (ЎЖҲС), ўпканинг максимал вентиляцияси (ЎМВ))ни ва тезлик кўрсткичлари (биринчи секундда жадаллаштирилган нафас чиқариш ҳажми (ЖНЧХ1), Тиффно индекси - ЖНЧХ1 (мл)/ЎЖҲС (мл) нисбатни 100% га кўпайтирилган катталиқни, нафас чиқариш даражасидаги ЎЖҲСнинг 75%, 50% ва 25% да ўпкада қолган ҳавонинг максимал ҳажмли тезлиги (МХТ25), жадаллаштирилган нафас чиқаришнинг ўртача ҳажмли тезлиги (ЎХТ25-75))ни ҳисобга олган ҳолда спирография ўтказилди.

Беморларнинг иккита гуруҳи таққосланди: биринчи гуруҳ – ДКМПўқ ли 22 нафар бемор ва иккинчи гуруҳ – ДКМП би-ЮЕли 65 нафар бемор. Барча беморларга β-адреноблокаторлар (БАБ), ангиотензин ўзгартирувчи фермент ингибиторлари (АЎФи), юрак гликозидлари (ЮГ), диуретиклар, альдостерон антагонистлари киритилган базис терапия тайинланди. Беморларнинг бир қисми тадқиқот баённомасига мувофиқ силденафил қабул қилдилар.

Тадқиқотнинг кейинги босқичлари бирламчи госпитализациядан 3 ва 6 ойдан кейин ўтказилди. Беморлар прогнози 5 йиллик кузатув давомида баҳоланди.

Олинган натижаларнинг статистик ишлови Pentium-IV персонал компютерида «STATISTICA 6» дастурлари пакетини қўллаган ҳолда ўтказилди. Статистик ноаниқликни истисно қилиш учун таҳлил клиник белгилар тақсимланиши нормаллигини текшириш билан бирга бажарилди. Иккита гуруҳ (назорат ва тажриба гуруҳлари) нинг арифметик ўртачаларини таққослаш учун Стюдентнинг t-мезони қўлланилди. Кўрсаткичлар ўртасида боғлиқликлар мавжудлигини баҳолаш учун Пирсон корреляция коэффицентини ҳисоблаб чиқарган ҳолда корреляцион таҳлил ўтказилди. Сифат белгилари ўртасидаги фарқлар ишончилигини таҳлил қилиш учун χ^2 мезони қўлланилди. Таққосланаётган гуруҳларда бирорта гуруҳда маълумотлар сони 30 дан кам бўлган ҳолларда натижалар Фишернинг аниқ услуги ёрдамида текширилди.

Диссертациянинг «**Бажарилган тадқиқот натижалари**» номли учинчи бобида беморларнинг умумий тавсифномаси ва ўқДКМП (1-гуруҳ) ва идиопатик ДКМП-биЮЕ бор (2-гуруҳ) беморларида клиник кўринишларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Биринчи гуруҳ беморларининг ўртача ёши $42,41 \pm 14,36$ (19 дан 60 гача) ни, 2-гуруҳ беморлар ўртача ёши эса $45,65 \pm 11,89$ (19 дан 65 гача; $p=0,298$) ни ташкил қилди. Беморлар ёш тавсифномаларининг изчил таҳлили кўрсатдики, 1-гуруҳда 40 ёшдан катта шахслар 13 та (59,1%) дан ва 2-гуруҳда – 47 та (72,3%) дан иборат бўлди ($p=0,373$; $\chi^2=0,795$). Беморларнинг жинсга мансублик таҳлили аниқладикки, аёллар ишончли равишда ДКМПўқ гуруҳида кўпроқ учраган (17 та аёл ва 5 та эркак), ва аксинча ДКМП-биЮЕ гуруҳида эркаклар 2,5 маротаба кўпроқ учраган (19 та аёл ва 46 та эркак; $p=0,000$; $\chi^2=13,722$). Корреляцион таҳлил ўтказилганда шунингдек касалликнинг гендерлик мансублик билан алоқаси юқори даражадаги ишончлилик билан аниқланган ($p=0,000$; $t=4,316$; $r=0,423$). Ёш ва ДКМП шакли ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилишда аниқландики, ДКМПўқ гуруҳидаги аёлларнинг ўртача ёши $41,47 \pm 14,19$ ни, эркакларники эса

45,60±16,15 ни ташкил қилган ($p>0,05$). ДКМП-биЮЕ гуруҳида аналогик кўрсаткичлар мувофиқ равишда 39,05±12,02 ва 48,37±10,84 дан иборат бўлди ($p<0,05$), яъни аёлларда ДКМПўқ ҳам, ДКМП-биЮЕ ҳам эркакларга нисбатан ёшроқ даврда ривожланган.

86 нафар (21 та ДКМПўқ ли ва 65 та ДКМП-биЮЕ ли) бемор бирламчи кўрувдан ўтказилди ва КХБШ бўйича баҳоланди. КХБШ бўйича баҳоланган давомида аниқландики, юрак иши бузилиб туриши, бўйин веналарининг бўртиши, гепатомегалия ва шиш синдроми каби клиник белгилар биринчи гуруҳда иккинчи гуруҳга нисбатан ишончли равишда кўпроқ учраган. Ҳансираш иккала гуруҳда ҳам бир хилда кўп учраган, бироқ ортопноэ, ўринда бош томонни кўтариб ётишга мажбур бўлиш 2-гуруҳ беморларида кўпроқ бўлган ($p<0,05$). 1-гуруҳ беморлари оёқлар шишига ва қорин бўшлиғида суюқлик тўпланишига қарамай, горизонтал ҳолатда бошига битта ёстик қўйиб ёта олганлар. 2-гуруҳ беморлари учун яққол ифодаланган ҳансираш, вазнининг ортиши ($p<0,05$) (шишлар оқибатида), горизонтал ҳолатда ёта олмаслик ($p<0,05$), кичик қон айланиш доирасида димланиш ва «югуриш» ритми хос эканлиги аниқланди.

СЮЕ ФС тақсимланишининг қиёсий таҳлилида 2-гуруҳда оғир 4 СЮЕ ФС ли беморлар сони устунлиги аниқланди ($p=0,003$; $\chi^2=9,115$), 1-гуруҳ беморларида эса СЮЕ нинг 3- ва 4-ФС синфлари учраши деярли бир хилда бўлган (мувофиқ равишда 42,9% ва 47,6%).

82 нафар (22 та ДКМПўқ ли ва 60 та ДКМП-биЮЕ ли) беморда ЭКГ кўрсаткичларининг таҳлили ўтказилди. Қиёсий баҳоланган кўрсаткичлари, ДКМПўқ ли беморларда Т-тишча кутбийлигининг ўзгаришлари ва Гис тутами ўнг оёқчаси камали кўпроқ учраган (иккаласи учун ҳам $p<0,05$) (1-жадвал).

Зўриқма синамаси сифатида 86 нафар (21 нафар ДКМПўқ ли ва 65 нафар ДКМП-биЮЕ ли) беморда 6-ДПЮС ўтказилди. 6-ДПЮС нинг асосий кўрсаткичларини таққослашда гуруҳлар ўртасида ишончли фарқлар қайд этилмади (барчаси $p>0,05$). Бироқ, гуруҳлар ичидаги таҳлилда қуйидаги фарқлар аниқланди: систолик АБ нинг ўсиши 1-гуруҳ беморларида 7,62 мм сим.уст. ни ва 2-гуруҳда 6,51 мм сим.уст. ни ташкил қилди; диастолик АБ ўсиши 1-гуруҳда 4,76 мм сим.уст. га ва 2-гуруҳда 5,65 мм сим.уст. га тенг бўлди; ЮҚТ ўсиши 1-гуруҳда 15,43 зарб/дақ ва 2-гуруҳда 14,30 зарб/дақ дан иборат бўлди ($p_1<0,05$ ва $p_2<0,001$); нафас олиш тезланишининг ўсиши 1-гуруҳда 5,47 марта/дақ ва 2-гуруҳда 4,62 марта/дақ ни ташкил қилди (иккаласи учун $p<0,001$).

ЭхоКГ маълумотларининг қиёсий таҳлилида бир қатор юқори ишончли фарқлар аниқланди: юракнинг чап бўлимлари асосий ЭхоКГ кўрсаткичлари 1-гуруҳда меъёр кўрсаткичларидан ортмаган (2-жадвал), 2-гуруҳда эса ҳажмли ўлчамлар ОДХчк ва ОСХчк меъерий қийматлардан 3 ва 6 мартага юқори бўлган. 1-гуруҳда ОФчк меъёрга мувофиқ келганлиги, 2-гуруҳда эса ОФчк меъёрдан 2 марта пастлиги аниқланди (барчаси учун $p<0,001$). Таққосланаётган беморлар гуруҳларида ЧБ/ОДўчк нисбатини ҳисоблаб чиқаришда аниқландики, 2-гуруҳда ушбу кўрсаткич белгиланган меъёрдан унча юқори бўлмаганлиги (меъёрда ЧБ/ОДўчк = 0,5-0,6), 1-гуруҳда эса ушбу нисбат

меъёрдан $\approx 1,4$ га юқори эканлиги қайд этилди (2-жадвал). ЧБ/ОДЎчқ нинг ортиши диастолик гемодинамика бузилишлари тўғрисида далолат беради. ОДХ/ММчқ нисбати юрак чап бўлимлари патологик ҳолатининг учта асосий типларини ажратиш асосига қўйилган. Бизнинг тадқиқотимизда ушбу нисбат кўрсатдики, 2-гуруҳ беморларига миокард ўзгаришларининг рестриктив компонентли дилатацион морфофункционал типи, 1-гуруҳ беморларига эса гипертрофик тип хосдир. Тез тўлиш фазасининг бўлмачалар систоласи фазаси ҳажмига нисбатини (Е/А) ҳисоблаб чиқиш ҳам юқорида айтилганларни тасдиқлади (2-жадвал).

Юракнинг ўнг бўлимлари функционал ҳолатини баҳоловчи ЭхоКГ кўрсаткичларини алоҳида таҳлил қилишда аниқландики, 1-гуруҳда RVD1 – ЎҚ нинг базал кўндаланг диаметри ва RVD2 – ЎҚ ўртаси кўндаланг диаметри ДКМП-бтЮЕ да аналогик кўрсаткичлар билан таққослама бўлди, бироқ RVD3 кўрсаткичи – ЧҚ нинг бўйлама диаметри 1-гуруҳда 2-гуруҳга нисбатан 4,9% га каттароқ эканлиги қайд қилинди ($p < 0,001$). Буни ЎҚ нинг охирги диастолик (ОДМўқ) ва охирги систолик майдони (ОСМўқ) ни аниқлашда ҳам исбот қилинди, ушбу қийматлар солиштириш гуруҳининг аналогик кўрсаткичларидан таҳминан 1,2 мартага юқори эканлиги аниқланди (2-жадвал). ОФўқга эквивалент бўлиб, ЎҚ майдони ўзгариши фракцияси (МЎФ) кўрсаткичи ҳисобланади (кейинчалик ФИП деганда ОФўқ тушунилади). ОФўқ 1-гуруҳ беморларида 2-гуруҳга нисбатан анча паст эканлиги аниқланди ($p < 0,05$). Бироқ, агарда стратификациянинг меъерий катталикларидан ($N=45-55\%$) келиб чиқсак, ушбу кўрсаткич 2-гуруҳ беморларида ҳам 3,16 %га паст эканлиги қайд этилади, бу эса ушбу патологияда иккала қоринча дилатацияси бўлган бивентрикуляр ЮЕ мавжудлиги билан тушунтирилиши мумкин. Шуниси қизиқки, 1-гуруҳдаги ЎҚ эркин девори қалинлиги 2-гуруҳдагига нисбатан таҳминан 2 баробарга катта эканлиги аниқланди. Бу ўз навбатида трикуспидал клапан даражасида тез тўлиш фазасининг бўлмачалар систоласи фазаси ҳажмига нисбат (Е/А нисбати)ни ҳисоблаб чиқаришда ўз исботини топди ва ДКМП-биЮЕ бор беморларда дилатацион морфофункционал ремоделланиш мавжудлиги ҳамда ДКМПўқ бор беморларда гипертрофик тип тўғрисида далолат берди.

ЎАБ ўртача кўрсаткичи 2-гуруҳ беморларида 1,5 мартага юқори эканлиги кузатилди, бу кичик қон айланиши доирасида димланиш ҳолатларининг ривожланиши ва тараққий этиши билан тушунтирилиши мумкин. Аксинча, 1-гуруҳ беморларида ЎАБ ўртача кўрсаткичи нормал қийматлардан бироз юқори бўлган, буни ушбу патологияда ЎГ йўқ деб баҳолаш мумкин. Таққосланаётган гуруҳларда иккала қоринча майдонлари нисбатини (RVs/LVs) ҳисоблаб чиқаришда 1-гуруҳда ушбу кўрсаткич 2-гуруҳдаги аналогик кўрсаткичдан 2,8 баробар юқори эканлиги қайд этилди (1-жадвал).

Юрак чап ва ўнг бўлимларининг ЭхоКГ кўрсаткичлари қиёсий таҳлили

Чап бўлимлар ЭхоКГ	1-гуруҳ ДКМПўк (n=22)	2-гуруҳ ДКМП- биЮЕ (n=57)	p	Ўнг бўлимлар ЭхоКГ	1-гуруҳ ДКМПўк (n=22)	2-гуруҳ ДКМП- биЮЕ (n=57)	p
Ао, мм	29,50±3,97	29,45±6,98	0,975	RVD1, см	3,67±0,19	3,55±0,44	0,222
ЧБ, мм	35,39 ±12,01	46,04±5,92	0,000	RVD2, см	4,04±0,27	4,01±0,34	0,719
ҚТҚ, мм	10,45±2,12	9,54±1,60	0,035	RVD3, см	9,25±0,19	8,82±0,43	0,000
ЧҚОДҚ, мм	10,22±1,91	9,86±1,78	0,432	ЭДҚўк, мм	6,21±0,95	3,13±0,80	0,000
ДНҚ, н.б.	0,50±0,12	0,28±0,07	0,000	ОДМўк, см ²	39,36±2,22	33,54±4,06	0,000
ОДХчк, мл	84,78±33,30	273,23±75,82	0,000	ОСМ, см ²	24,64±2,71	19,66±4,24	0,000
ОСХчк, мл	29,94±18,38	183,47±60,44	0,000	МўФ, %	37,31±7,03	41,84±7,29	0,013
ЧҚ ОФ, %	65,40±11,62	33,61±8,42	0,000	RVs/LVs, ш.б.	2,09±0,72	0,74±0,31	0,000
ММчк, гр	176,52±74,76	394,85±149,65	0,000	Етк, см/с	0,54±0,16	0,49±0,13	0,155
ЧБ/ОДўчк, н.б.	0,82±0,21	0,65±0,09	0,000	Атк, см/с	0,52±0,19	0,16±0,05	0,000
ОДХ/ММчк, мл/гр	0,51±0,18	0,71±0,16	0,000	Е/А	1,29±0,94	3,07±0,47	0,000
Емк, см/с	0,65±0,12	0,79±0,18	0,001	ўАБ ўр, мм сим.уст.	29,77±12,45	45,93±9,80	0,000
Амк, см/с	0,49±0,18	0,44±0,19	0,291	ўГ бор беморлар сони, n (%)	11 (50,5%)	37 (64,9%)	p=0,337;
Е/А	1,54±0,74	2,19±1,05	0,009				χ ² =0,921

Изоҳ: Ао- аорта, ЧБ – чап бўлмача; ЧҚ – чап қоринча; ҚТҚ ва ЧҚОДҚ – қоринчалараро тўсиқ ва чап қоринча орқа девори қалинлиги, ДНҚ – деворларнинг нисбий қалинлиги; ОДХ ва ОСХ – чап қоринчанинг охириги диастолик ва охириги систолик ҳажмлари; ЧҚ ОФ – чап қоринча отиш фракцияси; ММчк – чап қоринча миокард массаси; ЧБ/ОДў – чап қоринчанинг бўлмача-қоринча нисбати; ОДХ/ММ – ҳажм-масса индекси; Емк ва Амк – эрта ва бўлмача тўлиши тўлқини; RVD1,2 -; ЭДҚ – ўқ эркин девор қалинлиги; ОДМ ва ОСМ – ўқ нинг охириги диастолик ва охириги систолик майдони; МўФ – ўқ нинг майдон ўзгариши фракцияси; RVs/LVs – ўнг қоринча майдонининг чап қоринча майдонига нисбати.

82 нафар (22 та ДКМПўқ ли ва 60 та ДКМП-биЮЕ ли) беморда қоннинг биокимёвий текшируви ўтказилди. Биокимёвий кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили кўрсатдики, 1-гуруҳ беморларида қондаги умумий оқсил миқдори нисбатан нормал қийматларга яқин бўлган, лекин 2-гуруҳ беморларида ушбу кўрсаткич нормадан анча паст эканлиги кузатилди ($68,8 \pm 11,8$ г/л vs $55,9 \pm 10,8$; $p < 0,0001$). Умумий оқсил қийматлари ва КХБШ бўйича шиш синдроми ифодаланганлиги ўртасидаги корреляцион таҳлилда тескари боғлиқлик аниқланди, яъни умумий оқсил даражасининг пасайиши шишлар ортиши билан бирга кузатилди.

Жигар трансминазалари даражаларининг таққослама бўлишига қарамай, де Ритис коэффицентини ҳисоблаб чиқарганда ДКМП-биЮЕ бор беморларда юрак етишмовчилигидан ташқари жигар етишмовчилиги ҳам мавжудлиги аниқланди. Бироқ, жигар ферментлари даражасини ХСБШ бўйича гепатомегалия даражаси билан таққослаганда ишончсиз характерга эга тескари боғлиқлик аниқланди, яъни де-Ритис коэффицентининг ортиши гепатомегалиянинг камроқ даражаси билан бирга кузатилган (2Б-расм).

Буйрак функциясининг таҳлилида, яъни айнан ЕРІ формуласи бўйича калава фильтрациясини (ЕРІ-КФТ) ҳисоблаб чиқаришда гуруҳлар ўртасида ҳеч қандай фарқлар аниқланмади. Шунга қарамай, буйракнинг сурункали касаллиги (БСК) нинг ўртача босқичи 1-гуруҳда $1,54 \pm 0,62$ ни ва 2-гуруҳда $1,70 \pm 0,73$ ни ташкил қилди ($p > 0,05$). БСК босқичига кўра гуруҳлардаги миқдорий-фоиз нисбати қуйидагилардан иборат бўлди: 1-босқичдаги БСК 1-гуруҳда 45,5% беморда ва 2-гуруҳда 51,1% беморда қайд этилди ($p = 0,590$; $\chi^2 = 0,290$); 2-босқичдаги БСК 1-гуруҳда 40,9% беморда ва 2-гуруҳда 42,5% беморда кузатилди ($p = 0,920$; $\chi^2 = 0,008$); 3-босқичдаги БСК 1-гуруҳда 13,6% беморда ва 2-гуруҳда 6,4% беморда аниқланди ($p = 0,860$; $\chi^2 = 0,031$). Бу ҳол шу ҳақида далолат берадики, ўқДКМП бор беморларда 3-босқичдаги БСК солиштириш гуруҳига нисбатан кўпроқ учраган, лекин аниқланган фарқлар ишончлилик даражасига етмаган.

Нафас олиш тизими функционал ҳолатини баҳолаш 78 нафар (21 нафар ўқДКМП ли ва 57 нафар ДКМП-биЮЕ ли) беморда спирометрия ёрдамида ўтказилди. Спирометрия натижаларига кўра аниқландики, НОХ, НЧЗХ ва ЎХС каби кўрсаткичлари меёрий қийматлар билан солиштирилганда 1-гуруҳда ҳам, 2-гуруҳда ҳам паст эканлиги аниқланди (2-жадвал).

Иккала гуруҳда ҳам спирометрия кўрсаткичларининг пасайиш биз томондан нафас олиш функциясининг бузилиш сифатида баҳоланди. Гуруҳлараро таҳлил ўтказилганда барча кўрсаткичлар 2-гуруҳда пастроқ аниқланди, бироқ фарқлар ишончлилик даражасига етмаган, Тиффно индекси бундан истисно (3-жадвал). Корреляцион таҳлил ўтказилганда Тиффно индекси қийматлари ва КХБШ бўйича ўпка хириллаши ифодаланганлиги ўртасида тескари боғлиқлик аниқланди ($p = 0,000$, $t = -21,294$, $r = -0,935$), яъни Тиффно индексининг пасайиши ўпка нафас олиш функцияси ёмонлашуви билан бирга кузатилган. Шундай тескари корреляция Тиффно индекси ва ўртача ЎАБ даражаси ўртасида ҳам аниқланди ($p = 0,000$, $t = -3,845$, $r = -0,451$), яъни Тиффно индексининг нормал қийматлари ўртача ЎАБ нинг нормал даражасига мувофиқ келди. Маълумки, Тиффно индекси

нафақат спирометриянинг диагностик аҳамиятга эга кўрсаткичларидан бири, балки нафас олиш бузилишларининг обструкцияси ёки рестрикцияси устун туришини аниқлаб берувчи асосий маркер бўлиб ҳам ҳисобланади. 2-гуруҳ беморларида Тиффно индекси меёрий қийматлардан паст эканлиги қайд этилди, бу ўз навбатида уларда нафас олиш етишмовчилигининг обструктив типи устунлиги тўғрисида далолат беради. Аксинча, 1-гуруҳ беморларида Тиффно индекси норманинг пастки чегарасига мувофиқ келди, бу эса биз томондан нафас олиш етишмовчилиги йўқ деб баҳоланди.

2-жадвал.

Спирометрия кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	1 – гуруҳ (n=21)	2 – гуруҳ (n=57)	p
НОХ, мл	487,14±105,98	450,00±86,77	0,119
АХ, мл	324,76±70,65	300,00±57,85	0,117
ФЎБ, мл	162,38±35,33	150,00±28,92	0,114
НЧЗХ, мл	878,09±270,36	845,43±190,19	0,552
НОЗХ, мл	757,62±195,37	727,61±116,56	0,409
ЎХС, л	2,12±0,56	2,02±0,37	0,363
ЎЖХС, л	1,40±0,45	1,31±0,30	0,311
ЖНЧХ1, л/с	0,92±0,35	0,85±0,25	0,330
ЖНЧХ1/ЎЖХС, у.е	71,34±2,83	69,8±4,07	0,012
МХТ ₂₅ , л/с	31,90±15,51	34,09±12,32	0,519
МХТ ₅₀ , л/с	35,24±6,72	37,51±9,08	0,300
МХТ ₇₅ , л/с	44,81±10,64	42,49±9,86	0,370
ЎХТ ₂₅₋₇₅ , л/с	38,81±10,12	39,81±9,98	0,697

Изоҳ: НОХ – ўпканинг нафас олиш ҳажми; АО – альвеоляр ҳажм; ФМП – функционал ўлик бўшлиқ; НЧЗХ – нафас чиқаришининг заҳира ҳажми; НОЗХ – нафас олишининг заҳира ҳажми; ЎХС – ўпканинг ҳаётий сигими; ЎЖХС – ўпканинг жадаллаштирилган ҳаётий сигими; ЖНЧХ1 – биринчи секундда жадаллаштирилган нафас чиқариш ҳажми; ЖНЧХ1/ЎЖХС – Тиффно индекси; МХТ – ўпкада қолган ҳавонинг максимал ҳажмли тезлиги; ЎХТ – жадаллаштирилган нафас чиқаришининг ўртача ҳажмли тезлиги.

Ҳозирги вақтда ДКМП ни даволаш СЮЕ терапияси стандартларига асосланган бўлиб, у ўз ичига ангиотензин ўзгартирувчи ферменти ингибитори(АЎФи)ни, β - адрено блокатор(БАБ)ни, альдостерон антагонистларини, диуретикларни, гликозидларни ва ангиотензин рецептори антогонисти(АРА)ни киритган. Европа кардиологлари жамияти(ЕКЖ) нинг ЎГ бўйича тавсияларида (2015) силденафил 5-тип форсодиэстеразининг кучли ва селектив блокатори сифатида эътироф этилади. Силденафил қабул қилган ЎГ бор беморларда препаратнинг жисмоний имкониятларга, симптоматикага ва гемодинамикага ижобий таъсири қайд этилди. Тадқиқотимизда силденафилнинг клиник-функционал кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш учун тасодиқий танлов услуги билан 44 та бемор танланди. Ўрта-миёна ЎГ бор беморлар 23 нафарни ташкил қилди, улар стандарт терапия (СТ) га қўшимча

сифатида силденафил (СТ+С) қабул қилдилар. Назорат гуруҳини (фақат СТ да бўлган) 21 нафар бемор ташкил қилди. Дастлаб гуруҳлар жинси, ёши, клиник-гемодинамик кўрсаткичлари бўйича, касаллик оғирлиги, шунингдек, қабул қилаётган препаратлар гуруҳлари бўйича таққослама бўлган. Тадқиқот давомийлиги 6 ойни ташкил қилди. Бунда С нинг ўртача дозаси $51,09 \pm 20,61$ (25 дан 75 гача) мг/сут ни ташкил қилди. Клиник-функционал кўрсаткичларни динамикада қиёсий баҳолашда аниқландики, иккала гуруҳда ҳам беморлар ҳолатининг яхшиланиши қайд этилган. Бироқ, СТ+С гуруҳида ижобий ўзгаришлар солиштириш гуруҳига нисбатан яққолроқ ифодаланган ва ишончлироқ характерга эга бўлди. СТ+С гуруҳи ичида 3 ва 6 ойлик босқичларидаги кўрсаткичларнинг таҳлилида жисмоний зўриқишга чидамлилигининг ортиши, КХБШ бўйича балларнинг пасайиши, жигар ва нафас олиш функцияларининг яхшиланиши, шунингдек, ЎҚ қисқарувчанлигининг ортиши аниқланди (барчаси учун $p < 0,05$). Бу ўз навбатида СЮЕ ФСнинг ишончли равишда пасайиши билан бирга кузатилди.

Силденафилнинг ДКМП га кўра беморлар ҳолатига таъсирини бевосита аниқлаш учун СТ+С гуруҳи иккита кичик гуруҳга ажратилди: А-кичик гуруҳда ДКМПўқ ли 11 нафар бемор ва В-гуруҳда ДКМП-биЮЕ бор 12 та бемор. Кузатув борасида аниқландики, СТ га силденафилнинг кўшилиши ДКМПўқ ли беморларда ҳам, ДКМП-биЮЕ бор беморларда ҳам ЮҚТ ва АБ кўрсаткичларига таъсир кўрсатмади. Шунга қарамай, КХБШ бўйича ўртача балл А-кичик гуруҳда 3 ойдан кейин дастлабки қийматларга нисбатан 1,7 мартага ($p < 0,05$), 6 ойдан кейин эса 2,5 мартага камайган ($p < 0,001$); 6ДПЮС 3 ойдан кейин 85,2 м га ва 6 ойдан кейин 107,9 м га ортди ($p < 0,05$); RVs/LVs нисбати 3-ойнинг охирига келиб 1,5 мартага ва 6 ойдан кейин 1,7 мартага камайди ($p < 0,05$); ўртача ЎАБ 3 ва 6 ойдан кейин мувофиқ равишда 0,9 ва 2,1 мм сим.уст. га пасайди (иккаласи учун $p > 0,05$). Буларнинг барчаси беморларнинг умумклиник ҳолатини яхшилашга ва СЮЕ ФС нинг 3,2 дан 2,2 га камайишига ($p < 0,05$) ёрдам берди. Биокимёвий кўрсаткичлар ва ташқи нафас олиш функцияси ҳам яхшиланиш тенденциясига эга бўлди, бироқ ишончлилик даражасига етмади (3-жадвал).

В-кичик гуруҳда 3 ва 6 ойлик босқичларда кўрсаткичлар динамикасини баҳолашда КХБШ бўйича балларнинг ишончли равишда пасайиши ва нафас олиш функциясининг яхшиланиши аниқланди. Бироқ, СТ+С терапиясининг ДКМП типларига таъсирининг қиёсий таҳлили А-кичик гуруҳидаги бир қатор афзалликларни аниқлаб берди. Хусусан, ДКМПўқ ли беморларда терапияга силденафилнинг кўшилиши ДКМП-биЮЕ га нисбатан RVs/LVs нисбатининг яққолроқ ифодаланган пасайишига, шунингдек, ўртача ЎАБ нинг пасайишига, жигар ва нафас олиш функцияларининг яхшиланишига ёрдам берди (барчаси учун $p < 0,05$).

Стандарт терапияда ва силденафил билан комбинацияда ДКМП типига кўра клиник-функционал кўрсаткичларни таққослаш

Кўрсаткичлар	А-кичик гуруҳ (ДКМПўк)			В- кичик гуруҳ (ДКМП-биЮЕ)		
	Дастлабки (n=11)	3 ой (n=11)	6 ой (n=10)	Дастлабки (n=12)	3 ой (n=11)	6 ой (n=8)
ЮҚТ, зарб/дақ	84,6±13,6	86,1±20,4	81,8±18,7	89,3±11,4	87,5±9,6	78,4±25,3
САБ, мм сим.уст.	106,8±18,3	106,7±22,4	110,7±21,8	110,0±17,1	104,3±12,6	105,8±22,7
ДАБ, мм сим.уст.	70,9±11,1	69,5±15,7	72,4±16,8	70,8±9,9	63,7±13,5	66,4±24,4
КХБШ бўйича ўртача балл	9,3±2,6	5,4±2,7*	3,8±1,9**	9,8±2,8	7,1±3,5	5,8±2,5*
бДПЮС, м	181,2±74,4	266,4±124,7	299,1±131,6*	183,0±61,6	245,7±136,6	274,3±138,4
СЮЕ ФС	3,2±0,6	2,6±1,1	2,2±0,7*	3,3±0,6	3,1±1,4	2,8±0,8
RWs/LWs, ш.б.	2,2±0,7	1,5±0,8	1,3±0,9*	0,7±0,2#	0,8±0,3#	0,9±0,5
Ўр.ЎАБ, мм сим.уст.	23,8±6,4	20,9±5,6	17,7±3,1*	29,2±8,9	25,4±13,3	23,3±11,6
ЎҚ ОФ, %	35,8±7,5	39,0±11,6	42,1±13,7	43,4±6,9#	45,4±12,2	46,3±10,8
АЛТ, У/Л	38,4±20,1	34,2±17,6	28,5±12,8	45,3±26,6	42,1±18,9	36,7±14,3
АСТ, У/Л	40,4±14,1	38,7±16,2	30,0±15,4	46,4±38,3	41,4±13,5	34,8±14,6
ДеРитис коэффиценти	1,24±0,52	1,21±0,63	1,27±0,26	0,82±0,26#	0,93±0,55	0,95±0,27#
Креатинин, мкмоль/л	93,0±19,5	86,8±33,2	78,1±26,4	102,4±25,5	91,7±38,4	85,2±28,4
КФТ-ЕРІ, мл/мин/1,73м ²	81,6±17,6	84,8±12,5	90,9±10,3	83,5±18,8	85,9±14,6	87,4±16,5
ЎЖХС, л	1,49±0,47	1,53±0,36	1,61±0,33	1,35±0,10	1,41±0,38	1,49±0,26
ЖНЧХ1, л/с	1,05±0,37	1,09±0,22	1,13±0,17	0,86±0,09	0,96±0,26	1,08±0,16*
ЖНЧХ1/ ЎЖХС, ш.б.	74,4±3,0	76,4±4,4	78,8±3,5*	73,2±2,1#	74,1±3,3	75,5±3,7*

Изоҳ: СТ+С – стандарт терапия силденафил билан комбинацияда; СТ – стандарт терапия силденафилсиз; * - $p < 0,05$ да ва ** - $p < 0,001$ да гуруҳ ичида босқичлар орасида; # - $p < 0,05$ да гуруҳлараро.

